

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг раёсатлари жиноят ишини назорат тартибида фақат бир марта кўриб чиқишлари мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Нуробод тумани судининг 2009 йил 20 ноябрдаги ҳукмига асосан В. Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми «е,ж» бандлари билан 6 йил, 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан 7 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 11 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, В. ўзганинг мулкани алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш ҳамда одамни Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ундан фойдаланиш учун ёллаш ва сотиш мақсадида, дастлабки терговда аниқланмаган шахс билан тил бириктириб, Дж.ни 6.000 АҚШ доллари эвазига чет элга ишга юборишни ваъда қилиб, 2008 йилнинг май ойидан декабрь ойига қадар унинг жами 10.524.115 сўмга тенг бўлган 7.555 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, 2008 йилнинг 12 декабрь куни Россия Федерациясининг Москва шаҳрида, дастлабки тергов жараёнида аниқлаш имкони бўлмаган К. исмли шахсга сотган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раёсатининг 2010 йил 16 апрелдаги қарори билан суд қарорлари ўзгартирилиб, В.нинг айбидан Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми «е,ж» бандлари чиқарилиб, ишнинг шу қисми тугатилган. В.га ўташ учун Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан тайинланган 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раёсатининг 2010 йил 28 сентябрдаги қарори билан суд қарорлари ўзгартирилиб, В.га Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан тайинланган 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси 8.412.000 сўм жарима жазосига ўзгартирилиб, эҳтиёт чораси бекор қилиниб, В.ни қамоқдан озод қилиш белгиланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 519-моддаси 1-қисмига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари мазкур судларнинг жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари кўрган ишлар бўйича чиқарилган тегишли апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўрадилар.

Қонун мазмунига кўра, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг раёсатлари жиноят ишини назорат тартибида фақат бир марта кўриб чиқишлари мумкин.

Бироқ суд иш бўйича қонуннинг ушбу талабига риоя этмаган.

Иш материалларидан кўринишича, В.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириш масаласи бўйича билдирилган прокурорнинг протести жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раёсатида 2010 йил 16 апрель куни кўрилиб, В.нинг айбидан Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми “е,ж” бандлари чиқарилиб, ишнинг шу қисми тугатилган. В.га Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан тайинланган 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўзгаришсиз қолдирилган.

Шундан сўнг В.га оид жиноят иши 2010 йил 28 сентябрь куни такроран жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раёсатида кўрилиб, хатога йўл қўйилган.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисмида, фирибгарлик жинояти натижасида етказилган зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштирилиши тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 9-бандида:

Жиноят кодексининг 167,168,170,184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун-жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши;

қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъи назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги белгиланган.

Иш ҳолатига қараганда, В. Дж.ни алдаб, унинг ишончини суиистеъмол қилиб, фирибгарлик йўли билан 7.555 АҚШ доллари миқдоридаги пулини қўлга киритганликда айбланиб, суд ҳукми билан В.дан Дж.нинг фойдасига 10.524.115 сўм ундирилиши белгиланган.

Жиноят ишини назорат тартибида ўрганиш жараёнида В. томонидан содир этилган жиноят натижасида етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлиги, бу ҳолат Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси Самарқанд шаҳар

суд ижрочилари бўлимининг 4 сентябрь 2010 йилдаги қарори билан тасдиқланганлиги аниқланган.

Жабрланувчи Дж. судга ариза билан мурожаат этиб В. томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, маҳкумга нисбатан даъвоси йўқлигини билдирган.

Шу сабабли, судлов ҳайъатининг 2010 йил 9 декабрдаги ажрими билан В.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раёсатининг 2010 йил 28 сентябрдаги раёсат қарори бекор қилинди. Жиноят ишлари бўйича Нуробод тумани судининг 2009 йил 20 ноябрдаги ҳукми, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 11 сентябрдаги ажрими ҳамда шу суд раёсатининг 2010 йил 16 апрелдаги қарори ўзгартирилиб, В.га нисбатан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан тайинланган 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси 8.412.000 сўм миқдорда жарима жазосига ўзгартирилди.

Назорат иши ЖСХ 212-10